2012 йил 26 июль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 147 (12.208)

Баҳоси эркин нархда

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган сурат

## ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ҚИЗЛАРИ

***«Олимпия шон-шуҳрати» музейида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб спорт соҳасида юксак натижаларга эришиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган қизлар иштирокида «Обод юртнинг бахтли қизлари» деб номланган маърифий анжуман ўтказилди.***

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт мураббийлари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Т.Қўзиев, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, маънавиятини юксалтириш, уларнинг қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришнинг муҳим шарти сифатида спорт, жумладан, қизлар спортини изчил равнақ топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда қад ростлаётган янгидан-янги иншоотлар, спорт-соғломлаштириш масканлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари навқирон авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, қизларнинг тиббий-физиологик ривожланишида ижобий кўрсаткичларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қизларнинг спортга қизиқишини ошириш, аёл мураббийлар тайёрлашга оид ишларни янада такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг спорт кийимларидан иборат махсус совғалари мамлакатимиздаги барча ҳудудларда спорт билан мунтазам шуғулланувчи қарийб 190 минг нафар қизга тантанали тарзда топширилгани бу соҳага кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг нечоғли улкан эканидан далолатдир.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилган қизларнинг 15 нафари бадиий гимнастика, шахмат, синхрон сузиш, академик эшкак эшиш, дзюдо, каратэ сингари спорт турлари бўйича мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган нуфузли мусобақаларнинг ғолибларидир.

– Президентимизнинг меҳр-эътибори, ғамхўрлигини кундалик ҳаётимиз, ўқиш жараёнида доимо ҳис этиб турамиз, – дейди ЎзА мухбирига бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги ҳамда кўплаб халқаро мусобақалар совриндори, Бухоро шаҳридаги тиббиёт коллежи талабаси Ҳусниябону Ғуломова. – Германия, Нидерландия, Туркия сингари қатор давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгалладим. Жонажон Ватанимиз, халқимиз томонидан билдирилган шундай юксак ишонч ютуқларимнинг асосий омилидир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг мазкур вазирлик тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.***

## ЮРТНИ КУЙЛАР ПОСБОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А.Мирзаев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳ.Раҳимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнида ёшларни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғусини мустаҳкам қарор топтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови йигит-қизларни ватанпарварлик, фидойилик руҳида тарбиялаш, жонажон Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи бадиий юксак мусиқий асарларни яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча вазирлик ва идоралар, ижодий бирлашмаларда бўлгани каби Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам мазкур кўрик-танлов баланд руҳда, кўтаринки кайфиятда ўтди.

– Мазкур кўрик-танлов учун «Муқаддас Ватан» номли янги қўшиқни тайёрладик, – дейди Нукус шаҳар ички ишлар бўлими бўлинма командири Арепбай Алланиёзов. – Ижодий беллашув жараёнида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ички ишлар ходимларининг табаррук диёримизни мадҳ этувчи қўшиқлари билан танишдик. Таниқли бастакорлар, шоирларнинг маслаҳати бизга жуда асқотди. Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш билан бирга уни тараннум этиш ҳам ижрочидан юксак масъулият, катта билим ва меҳнат талаб этишини юракдан ҳис этдик.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ашула ва рақс ансамбли хонандалари танловда биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Нукус шаҳар ички ишлар бўлими бўлинма командири Арепбай Алланиёзовга ҳамда Ички ишлар вазирлиги Ашула ва рақс ансамбли хонандаси Фарҳод Қамбаровга, учинчи ўрин Фарғона вилояти Қувасой шаҳар ички ишлар бўлими тезкор навбатчиси Ҳусниддин Йўлдошев, Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси назоратчи-кинологи Даврон Рўзиев, Термиз тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори Мақсуда Усмоновага насиб этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Қурилиш ва архитектура агентлиги раҳбарининг ўринбосари Нурали Саидов 2012 йил 16 июль куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу йил 12 июлда «Правда Востока» газетасида чоп этилган мақолада кўтарилган Роғун ГЭСи қурилиши масаласи юзасидан изоҳ берди.***

## ДАЛИЛЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

Н.Саидов матбуот анжумани қатнашчиларини Роғун ГЭСи майдонида «фақат қайта тиклаш ишлари олиб борилаётгани ва ҳеч қандай янги объектлар қурилмаётгани»га ишонтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Лекин, қанчалик уринмасин, унинг баёноти Тожикистон томони мазкур ГЭС қурилиши лойиҳаси мустақил халқаро экспертизадан ўтмагунича Роғун ГЭСи қурилишига йўл қўймаслик борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни қўпол равишда бузаётгани ҳақида халқаро ҳамжамият ташвишга тушаётгани асосли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Хусусан, тожикистонлик мазкур мансабдор шахс Вахш дарёсини тўсишга тайёрлаш борасидаги қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилаётганини тан олишга мажбур бўлди. У «иккита сув ташлайдиган туннелни тўлиқ ва сифатли қуриб битказишимиз керак. Ҳозир туннеллар деворларини қайта цементлаш ишлари олиб борилмоқда», деб очиқчасига баёнот берди.

Шу билан бирга, машина ва трансформатор заллари ичида асосий қурилиш ишлари ниҳоясига етиш арафасида экани таъкидланди. «Биз аввало, бу ишларни сифатли якунлашимиз, шундан сўнггина Вахш дарёси ўзанини тўсишга киришишимиз лозим», – деди Н.Саидов. Унинг айтишича, «Роғун ГЭСининг икки агрегати учун деярли барча зарур ускуналар тайёрланган ва олиб келиб қўйилган». Шу билан бирга, у «айни пайтда Роғун ГЭСи қурилиши майдонида саккиз минг нафардан ортиқ қурувчи, жумладан, чет эллик қурувчилар ишлаётгани»ни маълум қилди.

Тожикистон Молия вазирлигининг 2012 йил 19 июлда берган баёноти ҳам Роғун ГЭСи комплекси қурилиши жадал суръатда давом эттирилаётганини тасдиқлайди. Ушбу баёнотда «Роғун ГЭСи лойиҳасини бюджетдан молиялаштириш бўйича 2012 йил учун 210 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ажратилиши кўзда тутилган ва бу жараён тўхтатилмайди», деб қайд этилган.

Тожикистон томони ўзини Жаҳон банкига берган баландпарвоз ваъдалари ва мажбуриятларининг гўёки, унга алоқаси йўқдек ҳис қилаётгани ҳамда бугунги кунда Жаҳон банки томонидан 20 миллион доллар миқдорида «лутфан» тақдим этилган пул эвазига ўтказилаётган халқаро экспертизанинг кутилаётган натижалари уни асло жиловлай олмаслигини исботлаш учун яна қандай далиллар керак?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: агар Жаҳон банкининг халқаро экспертизаси натижалари бўйича Роғун ГЭСи қурилиши танланган мазкур майдонда улкан тўғон қурилишига йўл қўйиб бўлмаслиги, негаки унинг пойдевори 100 метр қалинликдаги туз қатламида жойлашгани ва у ерда Рихтер шкаласи бўйича 9-10 балли зилзилалар тез-тез рўй бериб, тоғ жинслари кўчиб туриши ҳақида хулосага келинса, Тожикистон ҳукумати қандай аҳволда қолади?

Иккинчидан. Балки юқорида зикр этилган «мустақил» экспертизани ўтказишдан мақсад қурувчилар ва буюртмачиларнинг жорий фаолиятини ниқоблаш, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик ҳушёрлигини сусайтириш ҳамда пировардида, уларни ушбу объект қурилишини ортга қайтариб бўлмаслигига ишонтиришдан иборатдир?

Ўзбекистон Тожикистон томонини халқаро ташкилотлар, институтлар ва тадқиқот ташкилотларини бу тарзда чалғитишга уринишлар ғоят аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида яна бир бор огоҳлантиради.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** 195-умумтаълим мактаб қошида ташкил этилган «Камалак» номли ёзги болаларни соғломлаштириш оромгоҳида Маънавият тарғибот марказининг Чилонзор туман бўлими ҳамда туман «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган «Соғлом турмуш тарзи» спорт мусобақалари ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази билан ҳамкорликда «Истеъмол кредитлари аҳоли фаровонлигини ошириш гаровидир» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туманида жойлашган 168-мактаб қошида ташкил этилган «Орзу» номли болаларни соғломлаштириш оромгоҳида «Ёзни «Камолот» билан!» ҳамда «Кўчма кино» лойиҳалари доирасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган ўқув машғулотлари бўлиб ўтади. Мазкур машғулотлар «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши томонидан ташкил этилмоқда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Фанлар академиясида Халқаро аэрокосмик мактабнинг йигирма тўртинчи мавсуми очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда олимлар, авиация ва космонавтика соҳаси мутахассислари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан «Тадбиркорлар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда адлия органлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги «Учқўрғон-ёғ» очиқ акциядорлик жамиятида озиқ-овқат корхоналари фаолиятига янги техника ва технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

● Қарши шаҳрида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг минтақавий саралаш турнири бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган турнирда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг энг яхши компьютер ўйинлари усталари иштирок этди.

● Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 19 маслаҳатчи иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

● Швейцариянинг соат ишлаб чиқарувчи «Swatch» компанияси фаолияти давомида маҳсулот сотиш бўйича рекорд натижани қайд этди. Манбага қараганда, корхона йил бошидан буён 8 миллиард франк қийматидаги савдо ишларини амалга оширган. Ўтган йили бу кўрсаткич 7 миллиард франкни ташкил этганди. Жорий йилнинг биринчи чорагида «Swatch» маҳсулотларига талабнинг кескин ортиши ана шундай ижобий натижага олиб келган.

● Германиянинг Дюссельдорф федерал ери суди мамлакат ва Европа Иттифоқи ҳудудида «Samsung» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилаётган «Galaxy Tab» русумли планшет компьютерлари сотилишини тақиқлаб қўйди. Бу ҳукм билан ҳуқуқ-тартибот идораси АҚШнинг «Apple» компанияси даъвосини ҳам қаноатлантирди. Чунки мазкур корхона «Samsung»ни шу турдаги маҳсулотларни тайёрлашда «Apple»дан нусха олаётганликда айблаган эди. Бундан ташқари Дюссельдорф суди «Samsung Galaxy Tab 10.1N» русумли планшет компьютерлари савдосини Европа Иттифоқи ҳудудида чеклаган.

● Бразилия портларида хизмат қилувчи санитар назоратчилар томонидан иш ташлашлар ташкил этилмоқда. Бу маҳсулотлар экспортининг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин. Чунки санитар назорати ходимлари жўнатиладиган товарларга зарур ҳужжатларни тақдим этишмаяпти. Экспертлар бу ҳолат зудлик билан ижобий ҳал қилинмаса, мураккаб вазият юзага келишини таъкидлашмоқда.

● Франциянинг «Peugeot Citroen» автомобилсозлик холдинги ўтган олти ойда 819 миллион евро миқдорида зарар кўрган. Бу унинг маҳсулотларига талабнинг кескин пасайиши билан боғлиқ. Айниқса, Европада мазкур холдинг автомобиллари савдоси умуман юришмаган. Корхона аҳволни яхшилаш учун бир қатор ислоҳотларни амалга оширмоқчи. Франциядаги тармоқлари фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш, Лотин Америкаси ва Хитойда машиналар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш шулар жумласидандир.

Кучли фуқаролик жамияти сари

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасида қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ўрни беқиёс. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам Истиқлол йилларида миллий қонунчилик негизини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида эришилган ютуқлар ҳақида тўхталиб, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда янги қонунлар қабул қилиш, амалдагиларини янада такомиллаштиришга оид бир қатор таклифлар берилган.***

Мазкур концепцияда бугунги кунда биз қайси соҳага кўпроқ эътибор қаратишимиз кераклигини яхши англаймиз. Маълумки, концепцияда белгиланган кўпгина соҳалар қатори жамиятнинг яна бир ажралмас бўғини ҳисобланган «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш» бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ҳозирги кунда юртимизда 5100 дан ортиқ нодавлат жамоат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон халқи демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни конституциявий нормалар асосида бош мақсад этиб белгилаган. Бу борада Президентимиз шундай деган эдилар: «Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ-эркинликларининг тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади». Бунинг учун, энг аввало, кишиларнинг сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий жиҳатдан етуклиги унинг давлат ҳаётида фаол иштирок этиши билан белгиланиши шубҳасиз. Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига: кўппартиявийлик, сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги ўзини-ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги, жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари аҳамиятининг катталиги киради. Фуқаролик жамиятида маънавий ҳаёт умумбашарий қадриятлар асосида амалга оширилиши, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топтирилиши лозим. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти сифатида ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминловчи, уларнинг маънавий тарбиясига, ижтимоий ҳимоясига ва бошқа манфаатларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшувчи муҳим тузилмадир. Фуқаролик жамиятида фуқаролар фақат давлат ва жамият ишларида иштирок этиш билан чегараланмайди. Бу жамиятда ҳар бир шахснинг фикри, овози эътиборга олиниши, ҳар бир киши ўзини тўлақонли шахс, жамиятнинг аъзоси деб ҳис қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан шу йил 19 январда республика ҳукуматининг мажлисида 2011 йил якунлари хусусида сўз юритилиб, 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб берилган эди. Шайхонтоҳур туманида ҳам ушбу дастурга мувофиқ тизимли равишда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бугунга келиб, Шайхонтоҳур туманида 49 та маҳалла ташкил этилган бўлиб, уларнинг барчаси ҳозирда ўз фаолиятини фаол равишда олиб бормоқда. Ҳар бир маҳаллага оилада соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандларга ҳар томонлама ўрнак бўлишни таъминлаш, оилада ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиш, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишларини таъминлаш, болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш, болаларнинг бўш вақтларини унумли ташкил қилиш ва уларга қўшимча таълим бериш, болада мавжуд бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш ва зарур шароитларни яратиш, боланинг оила, маҳалла ва мактаб олдидаги барча хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини ҳис қилиш, ўз навбатида педагогик ва психологик билимларни ошириб бориш каби бир қатор масъулиятли вазифалар топширилган.

Агар қабул қилинган қатор қонунларга мурожаат этадиган бўлсак, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор масаласига айланиши зарурлиги Юртбошимиз томонидан кўп бора таъкидланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шундан келиб чиққан ҳолда фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Биргина, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида маҳаллалар фаолияти ҳақида бир қатор тушунчалар бериб ўтилган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқи, фаолиятининг асосий принциплари, бошқариш ҳудудлари ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватланишига доир бир қатор жараёнлар қонунда ўз аксини топган.

Маҳалла институтининг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида сўз юритганда, биз мазкур институтнинг жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги ўрнини акс эттирувчи турли жиҳатларни таъкидлашимиз мумкин.

Аввало, ўзини-ўзи бошқариш органининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги фаолияти деганда, фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлардан ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти тушунилади. Юртимиздаги шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари ҳисобланади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини шакллантиришда, уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш яъни маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчисини сайлаш ва фаолиятини назорат қилишда демократик тамойилларга эътибор қаратилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширадилар.

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда мазкур органларнинг ваколатига кирадиган кўпгина масалалар белгилаб қўйилган. Ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқаролар ўзларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва шахсий ҳуқуқларини демократик тарзда амалга оширишларининг муҳим воситаларидан биридир, десак янглишмаймиз. Табиийки, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг изчил фаолият юритиши фуқаролар йиғини кенгашига, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга, тафтиш комиссияларига, маъмурий комиссияларига, фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари, маҳалла посбонлари вазифаларига катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жамоат ўртасида обрўси бор, ишбилармон, билимли ва тажрибали фуқароларни танлаш ва сайлашга боғлиқ жараёндир. Мазкур жараёнларда шунингдек, «Ёшлар билан ишлаш комиссияси» ҳам олдинги ўринларни эгаллайди. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган қатор вазифалар маҳалланинг ўз олдига қўйган мақсадлари сирасига киради.

Дарҳақиқат, маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Меҳр-оқибат эса маҳалладан бошланади. Оилада бошланган тарбиянинг узвийлигини мактаб ва маҳалла таъминлайди. Инсон ҳеч қачон жамиятдан ажралган ҳолда яшолмайди, у ишда, ўқишда, турар жойда ҳамма вақт жамият ичида бўлади. Турли хил муносабатларга киришади. Бунда айниқса, турар жойда шаклланган ижтимоий шуурнинг шахсга кучли таъсири бўлади. Шу маънода маҳалланинг ижтимоий фикрни шакллантиришдаги ва умуман шахсни тарбиялашдаги ўрни каттадир. Миллий анъаналаримизнинг сақланишида ва авлоддан-авлодга ўтишида маҳаллалар беминнат хизмат қилиб келган.

Муайян масканда яшовчи кишиларнинг барча моддий, маънавий ва тарбиявий ишлари маҳалла орқали амалга оширилади. Шу билан маҳалланинг ваколати ва мавқеи янада юқорига кўтарилади. Ўзбек халқининг маҳалла-маҳалла бўлиб яшаши ўзига хос ҳаёт тарзидир. Биринчидан, ижтимоий ва шахсий муаммолар шу ерда ҳал қилинади. Иккинчидан, миллий ўзига хослик, фуқаролик позицияси, мустақиллик неъматларига муносабат каби, ижтимоий фикр ҳам асосан маҳаллаларда шаклланади. Учинчидан, маҳаллаларда самимий оилавий муносабатлар, болалар тарбияси, меҳнатсеварлик каби масалаларда уюшқоқлик тўла шаклланган. Шу жиҳат маҳалла аҳлини бир-бирига яқинлаштиради. Тўртинчидан, миллий ўзликни англаш борасида урф-одат ва қадриятларнинг, оилавий анъаналарнинг аҳамияти катта.

Ҳар бир инсон, ҳар қандай миллат ўз анъаналари, азалий қадрияти билан яшайди. Юртимизда ўтган 21 йил ичида ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан асрларга татигулик улкан ютуқлар қўлга киритилди. Энг муҳими, истиқлол йилларида оила ва маҳалланинг мавқеини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Натижада, оилалар фаровонлашиб, маҳаллалар ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда.

Оилаларимиз тинч, маҳаллаларимиз обод бўлса, она Ватанимиз янада кўркамлашиб, унинг жаҳон миқёсидаги шуҳратига шуҳрат қўшилаверади.

**Атхам ДЖУМАБАЕВ,**
**Шайхонтоҳур туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси**

# ТОВАРЛАРНИ МАРКАЛАШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

***Мустақиллик йилларида мамлакатимиз божхона хизмати тубдан ислоҳ қилиниб, соҳанинг қонуний асослари мустаҳкамланди. Мазкур хизмат ходимлари мамлакатимиз ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш, товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдо операцияларини амалга ошириш каби вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда.***

Республикамиз божхона органлари томонидан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражасини янада кўтариш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва ички бозорни ҳимоялаш, республиканинг экспорт салоҳиятини янада ошириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат божхона қўмитаси томонидан ўтказилган «Товарларни маркалашнинг янги тартиби: махсус идентификацион белгилар» мавзусидаги матбуот анжуманида ҳам шу ҳақда сўз борди.

Анжуман давомида тадбиркорлик субъектларининг кенг кўламда фаолият кўрсатишлари ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, пировардида контрабанда товарларини четдан келтириш ва сотишнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган «Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан бажарилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

— 2012 йил 1 январдан бошлаб четдан келтириладиган истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш мажбурий тарзда жорий этилди, — дейди ДБҚ Марказий божхона лабораторияси бошлиғи Бахтиёр Абдуғаниев. — Республикамиз ҳудудида уларни маркаланмаган шаклда сотиш ва сақлаш тақиқланади. Бу каби ҳолатларга дуч келинса, уларга савдо қоидаларини бузиш деб қаралади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қўллашга асос бўлади. Ушбу чора биринчидан, қарорда рўйхати келтирилган айрим турдаги истеъмол товарларини ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш, уларнинг импорт ҳажмларини назорат қилиш ҳамда сохталаштирилган, шунингдек, келиб чиқиши ва олиб киришнинг легаллиги шубҳа уйғотадиган маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймаслик имконини беради. Айтиш жоизки, истеъмол товарларини идентификация белгилари билан маркировка қилиш тўлалигича божхона органлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва уларни импорт қилаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларидан ҳеч қандай тўловлар олинмайди. Шу сабабли товарларнинг маркаланиши товар таннархининг ошишига олиб келмайди.

Анжуман давомида қарорда мажбурий маркировка қилиниши лозим бўлган ва четдан келтириладиган 11 турдаги истеъмол товарлари ҳақида маълумот берилди. Уларга қуйидагилар киритилган: кондиционер, музлаткич, духовка, уй-рўзғор идишлари ва кир ювиш машиналари, принтер, чангютгич, электр плиталар, DVD ва мусиқий марказлар, монитор ва телевизор.

Соҳа вакиллари томонидан жорий қилинган янги тартиб 2012 йилнинг биринчи ярми давомида амалда ўзини оқлагани, кондиционерлар, идиш ва кир ювиш машиналари, электр плиталар ва телевизорларнинг расмий импорти кескин ошиши натижасида давлат бюджетига қўшимча салкам 14 млрд. сўм божхона тўловлари ундирилгани ҳақида маълумот берилди.

Таъкидлаш жоизки, идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларининг четдан келтирилишини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан, уларни сотиш ва сақлашни назорат қилиш эса Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан амалга ошириляпти.

**Зиёда РАСУЛОВА**

Қарор ва ижро

# БАНКЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

***Мамлакатимизда банкларнинг капиталлашуви, барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар самарасида сўнгги беш йилда банк сектори капиталининг етарлилик даражаси Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар ошди.***

Соҳага замонавий ахборот технологияларини фаол жалб қилиш ва белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Президентимизнинг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётир.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Standard & Poor`s» халқаро рейтинг агентлиги ҳамкорликда ташкил этган семинарда шу хусусда сўз юритилди. Унда Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси раҳбарлари, тижорат банкларининг мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Ҳайдаров ҳамда «Standard & Poor`s» халқаро рейтинг агентлигининг «Молиявий институтлар рейтинглари» гуруҳи бошқарувчи директори Ж.Гиблинг Ўзбекистонда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли инсонларни иқтисодий жараёнларга фаол жалб этиш, кичик бизнес субъектларига кредит ва микрокредитлар ажратишга қаратилаётган доимий эътибор туфайли молия муассасаларининг ишончлилик даражаси ошиб, кредит ва инвестиция салоҳияти юксалиб бораётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 26 тижорат банки нуфузли халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосига сазовор бўлган. Шундан ўн биттаси «Standard & Poor`s» халқаро рейтинг агентлигининг рейтинг баҳосига эга.

«Standard & Poor`s» халқаро рейтинг компаниясининг 23 мамлакатда ваколатхонаси мавжуд. Ушбу ташкилотнинг молия бозорларига оид ахборотларини бутун дунё инвесторлари энг ишончли манба, деб билади. Компания инвесторларни индекслар, инвестицион таҳлиллар, шунингдек, таваккалчиликлар соҳасидаги таҳлиллар билан таъминлаб келади.

Ўзбекистон тижорат банклари ресурс базасининг кўпайиши иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратиш ҳажмини ошириш имконини бермоқда. 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк тизимининг капитали 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 24,2 фоиз, уларнинг активлари 30,3 фоиз, мижозларнинг банкларга жалб этилган депозитлари 30,5 фоиз ошган.

Анжуманда жаҳон молиявий инқирози оқибатлари эътиборга олинган ҳолда банкларга рейтинг баҳолари тақдим этишнинг янгиланган мезонлари, таваккалчиликларни бошқариш услубияти, молиявий таваккалчиликларни тартибга солишдаги ташкилий масалалар, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёрлар ва стандартларга асосланган тижорат банклари фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш масалалари ҳақида атрофлича фикр аламашилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***Ахборот-телекоммуникация технологиялари ривожланиб бораётган бугунги кунда техник ишланмаларни яратиш учун пухта замин мавжуд. Шу ўринда пакетли радиомодемларни мисол қилиб келтириш мумкин.***

# ҚУЛАЙ ВА АРЗОН ТЕХНИК ИШЛАНМА

Мобиль тармоқ ёрдамида маълумотларни узатишдан кўра пакетли радиомодемлар орқали йўллаш ишончли ва арзондир. Радиомодем воситасида қурилган узатиш тармоғидан деярли барча географик минтақаларда фойдаланса бўлади. Бинобарин, тармоқ ўз мижозларига бир километрдан юзлаб километр радиусгача бўлган масофада узлуксиз хизмат қилиш имкониятига эга. Бир гуруҳ алоқа ходимлари изланиши натижасида яратилган ушбу пакетли радиоалоқада қисқа ва ультрақисқа тўлқинли радиостанциялар асосан частотали модуляция туридан фойдаланади.

— Радиомодем пакетли назоратчи деб ҳам аталади, — дейди Тошкент Алоқа технологиялари университетининг иқтидорли талабаси Илҳом Иброҳимов. — Пакетли радиомодемлар «Нуқта-нуқта» режимида эмас, балки кўп фойдаланувчанли тартибда ишлашга йўналтирилган. Бунда бир радиоканал орқали тармоқдаги барча фойдаланувчилар маълумотларни узатишлари мумкин.

**Акбар АЛИЕВ**

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, маънавий баркамоллиги, ахлоқий тарбияси, юксак ҳуқуқий маданияти ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2008 йили Кенгаш қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» ташкил этганди.***

# «КАМОЛОТ» — ЁШЛАРГА ҚЎШҚАНОТ

Ўтган давр мобайнида тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 4 мингдан зиёд ўғил-қизлар «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»нинг олти йўналишдаги тўгаракларининг ўқув курсларини тамомлаб сертификатларга эга бўлишди.

Бугунги кунда кўплаб ёшларимизнинг ёзги таътил кунларининг қизиқарли ва мазмунли ўтишида Юнусобод тумани «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда марказ қошида очилган бепул 3 ойлик ўқув курсларига 250 дан ортиқ ёшлар қатнашмоқда. Марказда нафақат Юнусобод, балки қўшни Зангиота, Қибрай, Шайхонтоҳур туманларида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтожлар жумладан, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари, ИИБ рўйхатида турувчи ёшлар учун инглиз тили, компьютер саводхонлиги ўқув курслари, тикувчилик, тўқувчилик, бисер ва соғломлаштириш рақси йўналишида тўгараклар хизмат кўрсатиб келади.

Марказда ёзги мавсумнинг қизиқарли ўтиши учун ўқувчилар ўртасида турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. Чунончи, куни кеча марказнинг барча тўгаракларида ота-оналар иштирокида «Очиқ дарслар» ташкил этилди. Тадбирга келган ота-оналар марказ фаолиятини кўздан кечириш, шунингдек, фарзандлари эришаётган натижалар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Ташриф доирасида ота-оналар марказ фаолиятига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ўқитувчи ва мураббийларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.



– Тўгарагимизда ҳаракатчан, изланувчан ёшлар кўпчиликни ташкил қилади, – дейди Юнусобод туман «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» Ёш ижодкорлар тўгараги раҳбари Зулфия Карабаева.– Тез-тез рағбатлантирувчи мусобақалар ўтказамиз, улар орасида иқтидорлиларини ажратиб олиб, шаҳар ва республика миқёсидаги танловларда иштирокини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Ҳозирда 11-12 ёшдаги ўқувчиларимиз Рухсора Маҳмуджонова, Диёра Сайдиева, Раъно Содиқова, Иброҳим Акмурзаев, Моҳинур Мусахўжаеваларни «Янги авлод – 2012» болалар ижодиёт фестивалига тайёрлаяпмиз.

Хуршида Абдурашидова марказнинг кўзга кўринган иқтидорли ёшларидан бири саналади. У «Менинг бизнес ғоям» танловида иштирок этиб, амалий санъатнинг бисер йўналиши бўйича шаҳар ва республика босқичи ғолиби сифатида сертификат эгаси бўлди. Хуршиданинг тикувчилик цехини очиш тўғрисидаги ғояси учун бир қатор ҳомий ташкилотлар томонидан 5 миллион сўм молиялаштирилиши кутилмоқда.

– Ёшларимизнинг бекорчиликдан ҳар хил қинғир йўлларга кириб кетиши мумкин бўлган бир пайтда мана шундай марказларнинг фаолият кўрсатиб тургани қувонарлидир, – дейди Гулбаҳор Исҳоқова. – Қизим Фозила ҳам марказ қошидаги тўқиш, рақс ва инглиз тили тўгаракларига қатнамоқда. Қисқа вақт ичида устозларига меҳр қўйиб, дарсларни қолдирмайди. Марказ қошидаги тўгаракларнинг бепул фаолият кўрсатаётгани имконияти чекланган оилалар учун албатта қувончли ҳол. Шу сабабли марказда фаолият олиб бораётган жонкуяр, меҳрибон устоз-раҳбарларга чексиз миннатдорчилик билдираман ва уларнинг келгусидаги фаолиятларига омад тилаб қоламан.

**Отабек НАҲАНОВ**

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Давлат Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида «2008-2012 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури»нинг бажарилишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

Мазкур дастур атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Дастурда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан мониторинг ишлари Давлат Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, атроф-муҳитни муҳофазаси дастурининг бажарилиши бўйича 353,8 миллиард сўмдан ортиқ, 408,8 миллион АҚШ доллари ва 16,05 минг еврони ташкил этди. Дастур вазифаларидан келиб чиққан ҳолда янги, экологик тоза ва саноатнинг кам чиқиндилиги технологияларини татбиқ этиш, республика саноат корхоналарида атроф-муҳитнинг ифлосланишини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Кўкдумалоқ нефть-газ конида машъала қилиб ёқиладиган йўлдош газларни утиллаштириш объектлари ишга туширилди. Натижада ушбу газларни йилига 4,7 миллиард метр кубгача утиллаштириш имкони яратилди. Тўқимачи — Ангрен оралиғида узунлиги 114 км бўлган темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари якунланди. Бу ўз навбатида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташланишини 110,5 тоннага камайтириш имконини берди. «Навоийазот», «Фарғонаазот», «Максам-Чирчиқ» очиқ акционерлик жамиятларида Мусаффо Ривожланиш Механизми лойиҳалари амалга оширилмоқда. Азот оксиди ташламалари 3630,3 миллион тоннага қисқарди. Режалаштирилгандан 8 баробар ортиқ 123,3 мингта автотранспорт воситалари газ ёқилғисига ўтказилиши ҳисобига атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташланиши 68,78 минг тоннага қисқарди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини этилсиз бензин ишлаб чиқаришга тўлиқ ўтказилишига эришилди ва автобензинда қўрғошин присадкаларини ишлатилиши бартараф этилди. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик услубларини татбиқ этиш масалаларини ҳал этишда ҳам аниқ муваффақиятга эришилди.

Орол денгизини қуриб қолган қисмини ўзлаштириш ишлари ҳам давом эттирилди. Жумладан, Қозоқдарёдаги бош иншоотни қуриш ишлари тугатилди. Жылтырбас кўрфазининг дамбаси 30,6 километр узунликда реконструкция қилинди, кўрфаздаги олиб чиқувчи каналлар қурилиб мустаҳкамланди. Жиззах, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги сув ҳавзаларида комплекс экологик, илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди. Сариқамиш кўли ва Мўйноқ бўғози, Сарибос, Междуречье дельтали сув ҳавзаларининг абиотик параметрлари, уларнинг сув билан таъминланганлиги, балиқ ови билан шуғулланувчи аҳоли таркиби, балиқ ови ҳолати бўйича маълумотларни тўплаш амалга оширилди. Мазкур сув ҳавзаларининг гидрологик ва гидрокимёвий режими, ихтиофауна ва озуқа базаси ресурслари ҳолатининг ҳозирги маълумотлари келтирилиб, сув ҳавзаларининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда мазкур дастур Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларга экологик ёндашувига кўмаклашиб, экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таъкидланиб, амалга оширилган ва келгусидаги бошқа вазифалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

Тадбирлар

# ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида эл-юрт саломатлиги, инсон манфаатлари ётади. Ўтган 21 йил ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган марказлар ташкил этилди. Шошилинч тиббий хизмат такомиллаштирилди. Малакали кадрлар тайёрлаш сифати ортди. Фармацевтика соҳаси янада ривожланди.***

Энг муҳими, соғлом инсон жамиятга ҳам, юрт келажаги учун ҳам улкан наф келтиради. Ўз касбига садоқат билан хизмат қилаётган шифокорлар бундан беҳад фахрланишади. Бу Чилонзор туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 36-оилавий поликлиника жамоаси томонидан эришилаётган ютуқларда ҳам тўла намоён бўлаяпти.

Яқинда мазкур поликлиникада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб «Мустақиллик — бу ҳуқуқдир» мавзусида семинар бўлиб ўтди. «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» ғоясини ўзида мужассам этган бу тадбир Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Буюк Истиқлолимизнинг қутлуғ 21 йиллиги арафасида, пойтахтимизда мислсиз ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунёдкорлик ишлари қизғин паллага киряпти.

Юртбошимиз раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга ошириб келинаётган демократик ислоҳотлар халқимиз бахту саодатига хизмат қилаяпти.

Мустақиллик айни пайтда маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, ўз ўзини англаш, миллий ҳис туйғулар, ғурурни, ватанпарварликни ўстириш ва мустаҳкамлашга ҳам йўл очди.

Семинарда сўзга чиққан Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлими раҳбари Гулчеҳра Дўсметова, бўлим ходими Маъруф Усмонов ва бошқалар мустақилликнинг халқимиз ҳаётидаги беқиёс аҳамияти ҳақида тўхталиб, муҳим жиҳатларини таъкидлаб ўтишди. Зеро, Мустақиллик ғояларини ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти йўлида кишилар онгига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингдириш айниқса муҳимдир.

**Гўзал АҲМАДАЛИЕВА**

***Жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳар бир маҳалланинг зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди. Чунки оилалардаги барча ютуғу камчиликлардан энг аввало маҳалла хабар топади, муаммоларни ҳал қилишда ҳам унинг ўзи ташаббускорлик қилади. Шу боис оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида маҳалланинг тутган ўрни беқиёс.***

# МАҲАЛЛА ҲАР ИШДА МАДАДКОР

Биргина Юнусобод туманида жойлашган «Акбаробод» маҳалласини олайлик, бу ерда оилаларнинг аҳил-тотувлиги, тўйларнинг ихчам ва тартибли ўтказилиши, ободонлаштириш ишларида доимо оқсоқолу фаолларнинг бош-қошлиги туфайли яхши натижаларга эришилмоқда.

– «Бир болага етти маҳалла ота-она деганларидек» маҳалламиз ҳудудида истиқомат қиладиган ўқувчи-талабалар нима ишлар билан машғул эканидан доим хабардормиз, – дейди «Акбаробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Миршокир Каримов. – Улар дарсларга мунтазам қатнаяптими, ўқишни тамомлаганлари қайси олий ўқув юртига киряпти, киролмаганлари нима ишлар билан банд – бу маълумотларнинг барчаси ҳар бир маҳалла учун ўта аҳамиятлидир. Зеро, ёшларимиз бекор қолса, турли номақбул йўлларга кириб кетиши ҳеч гапмас. Кўпинча бу каби ҳолатлар оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлади. Шу боис аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш масаласи ҳам ҳозирда долзарб бўлиб турибди.

Маҳалла ҳудудида кўтаринки руҳда ўтказилаётган спорт мусобақалари ҳам ёшларнинг бўш вақтларининг мазмунли ўтишига, соғлом бўлишига қаратилган. Чунки спорт соғлиқ гарови, у орқали оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш мумкин. Шу боис яқинда 15 ёшгача бўлган болалардан маҳалла футбол жамоаси тузилди. Ҳозирда ушбу жамоа мусобақаларда қатнашишга тайёргарлик кўрмоқда. Маҳалла ҳудудидаги 2-уй олдидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган тўйхона ва новвойхона бузилиб, ўрнига баскетбол майдончаси қурилганди. Ҳозир майдон ёшлар билан гавжум. Эндиликда янги ташкил этилган футбол жамоаси учун ҳам замон талабларига жавоб берадиган сунъий майдон қурилиши режалаштирилмоқда.

Маҳалла ҳудудида кейинги икки йил мобайнида ободонлаштириш бўйича кўзга кўринарли ишлар қилинди. Ҳудудда жойлашган дарахтларга шакл берилди, 400 погон метр бетон ариқлар ётқизилди. 348 метр янги бордюрлар ўрнатилиб, тартибсиз, ноқонуний тарзда ўрнатилган гаражлардан 271 таси олиб ташланиб, ўрнига янги автоуловлар турар жойи қурилди. Айниқса, маҳалла ҳудудида жойлашган «Юнусобод деҳқон бозори»нинг қайта таъмирдан чиққани нур устига нур бўлди.

Бундай хайрли ишларни 4, 6, 12, 16, 21-уйлар олдида



қуриб битказилган болалар майдончалари мисолида давом эттиришимиз мумкин. 9, 20-уйлар олдидаги болалар майдончалари эса яқин кунларда ишга туширилади. Ушбу қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бажаришда «Болалар дунёси» дўкони ҳамда «Геодезия ва картография» корхоналари «Акбаробод» маҳалласига яқиндан ёрдам бергани таҳсинга лойиқдир. «Зиёда савдо» фирмаси, «Инобат савдо» дўкони, «Мираҳмад ота» мини-маркети каби савдо ташкилотлари ҳам турли байрамларда маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа совға-саломлар билан сийлашдек хайрли ишлар билан шуғулланиб келади.

Маҳаллада ажрашиш ҳолатига келиб қолган оилаларни яраштириш, мавжуд муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳам яхши натижага эришилмоқда. Шу боис, ўтган йилларга таққослаганда бу йил ажрим ҳолатлари анча камайган.

– Бу ютуқларга эришишда маҳалламиз ҳудудида истиқомат қилувчи хотин-қизлар саломатлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг ҳам таъсири бўлмоқда, – дейди «Акбаробод» маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Махсума Габдуллина. – Оилавий поликлиника ҳамкорлигида «Жисмоний тарбия саломатлик гарови», «Балоғат ёшидагиларнинг репродуктив саломатлиги ва жисмоний тарбияси», аёлларда учрайдиган касалликлар мавзусига бағишланган давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Яқинда маҳалла ҳудудида жойлашган Кимё технология лицейи ўқувчилари ўртасида соғлом оила қуришга қаратилган тадбир ҳам қизиқарли тарзда ўтказилди. Унда маҳалла фаоллари, лицей ўқувчилари, 54-оилавий поликлиника шифокорлари қатнашди. Йиғилишда ёшларга оиланинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти, унинг жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини эканлиги, келажак авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ҳурмат руҳида тарбиялаш кераклиги хусусида сўз юритилди.

Маҳалла фаоллари билан суҳбатлашганимизда, улар олдида ҳали аҳолининг турмушини яхшилаш учун қилиниши лозим бўлган кўплаб ишлар, мақсадлар тургани маълум бўлди. Бу маҳаллада келгуси жонкуяр фаолларнинг саъй-ҳаракатлари билан янада самарали ишларнинг амалга оширилишидан далолатдир. Бу ҳам ўтган йили «Акбаробод» маҳалласи бежизга шаҳримиздаги энг намунали маҳалла деб эътироф этилмаганига амин бўлдик. Маҳалланинг ана шундай шарафли номга лойиқ бўлиб қолишига доим тилакдошмиз.

**Отабек ОТАЁРОВ**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Республикамизнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурида экологик таълим ва илм-фан фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ҳам белгиланган. «Биоэкосан» республика ёшлар ўқув-услубий мажмуаси томонидан амалга оширилаётган маърифий тадбирлар атроф-муҳит мусаффолигини асрашга қаратилмоқда. Бу каби жараёнлар пойтахтимиздаги ёш мухбирлар клублари иштирокида фаоллаштирилмоқда.***

# «БИОЭКОСАН» НАШРЛАРИ

Бир гуруҳ ёш экомухбирларнинг республика радиосининг «Ёшлар» студияси орқали чиқишлари ҳавога чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг инсон саломатлигига зарари мавзусига бағишланди. Унда атроф-муҳитни муҳофазалашга оид масалалар кўрилди ҳамда ушбу мавзуда кичик мониторинг ўтказилди.

Журналистика соҳасига янги кириб келаётган изланувчан ёшлар ёзган мақолалар газета саҳифаларида ёритилди.

«Биоэкосан» мажмуаси методистлари эса «Ёш экомухбирлар учун» тўпламини босмага тайёрладилар. Ушбу қўлланма экологик клублар ва тўгараклар раҳбарлари томонидан муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланди.

Ўз атрофига кўплаб ёш ижодкорларни бирлаштирган «Биоэкосан» мажмуаси навбатдаги таҳлилий мақолани Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари ёрдамида чоп эттирадилар.

**Аҳмад ОБИДОВ**

Абитуриент — 2012 йил

# БИЛИМЛИЛАР САРАЛАБ ОЛИНАДИ

***Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига толиби илмларнинг қизиқишлари катта. Шу боис Тошкент Ахборот технологиялари университетига кириб ўқиш истагини билдирган ёшлардан қабул комиссиясига кўплаб аризалар тушди.***

— Ҳужжат топшириш жараёнида абитуриентларга қатор шарт-шароитлар яратилди, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Ўткир Ҳамдамов. — Бу ерда канцелярия маҳсулотлари савдоси, махсус фотосалон ташкил этилди. Доскаларда шу жараёнга оид барча маълумотлар осиб қўйилган. Информатика ва ахборот технологиялари, ахборот хавфсизлиги, ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналишларига ҳужжат топшираётганлар сони айниқса юқори бўлди.

Фақат магистратура бўйича янги йўналишлар очилди. Жумладан, Тошкентда Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик, ахборот ўлчов тизимлари, компьютер графикаси ва дизайн, Нукус филиалида компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти йўналишлари янгидан ташкил этилди.

Университетнинг махсус сиртқи бўлими телевизион технологиялар факультети ҳузурида ташкил этилган бўлиб, унда кино-телеоператорлик, аудио-видео технологиялар, махсус ёритиш технологиялари, компьютер графикаси ва дизайн йўналишларида мутахассислар тайёрланади. Умуман ушбу сиртқи бўлимнинг асосий вазифаси — телевидение соҳасида фаолият олиб бораётган ёки шу касбни танлаган ўрта маълумотга эга техник мутахассисларнинг маълумотини оширишга қаратилган.

**Анвар ВАЛИЕВ**



Футбол

## МАРКАЗИЙ ЎЙИННИ БОШҚАРИШАДИ

***Ўзбекистоннинг ва Осиё қитъасининг охирги тўрт йилдаги энг яхши ҳаками Равшан Ерматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси халқаро Олимпия Қўмитаси ташаббуси билан XXX Халқаро ёзги Олимпиаданинг футбол баҳсларида энг марказий ўйинни бошқарадиган бўлди.***

Олимпиадасида 16 олимпия терма жамоаси иштирокидаги эркаклар турнири 26 июлда старт олиб, финал мусобақаси 11 августда бўлиб ўтса, аёллар ўртасидаги мусобақалар 25 июль – 9 август оралиғида бўлиб ўтади.

Яна бир қувончли воқеа шундан иборатки, Осиё футбол конфедерацияси 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги қитъа чемпионати ўйинларини бошқарадиган ҳакамлар, назоратчилар, лайнсмен ва комиссарлар номини эълон қилди.

Қайд этиш керак, 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати шу йилнинг 3-17 ноябрь кунлари БААда бўлиб ўтади. ОФК қарорига кўра унда 4 тадан комиссар ва назоратчи, 12 та бош ва 16 та қанот ҳакамлари иштирок этади. Бош ва қанот ҳакамларини тайинлашда ОФК ҳеч бир мамлакатга иккита ўрин ажратмаган. Ўзбекистон футбол федерациясига йўлланган мактубга кўра ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Равшан Ерматов ва Жаҳонгир Саидов Ўзбекистон номидан иштирок этишади. Мактубда кўрсатилишича, 31 октябрь куни ҳакамларнинг барчаси БААга етиб келиб, 1 ноябрь куни фитнес тест топширади. 2 ноябрь куни эса тайёрлов курслари бўлиб ўтади. Маълумот ўрнида қўшимча қилиш керакки, Осиё чемпионати U19да Ўзбекистон шарафини Аҳмаджон Мусаев бошқарувидаги ёшлар терма жамоаси ҳимоя қилади.

Яъни ҳамюртларимизга футбол мусобақасининг бугунги очилиш учрашувида Буюк Британия ва Сенегал терма жамоалари ўртасидаги «А» гуруҳи баҳсини бошқариш вазифаси топширилди. Ўйин Лондон вақти билан соат 20:00 да бошланади ва Манчестер шаҳридаги машҳур «Олд Траффорд» стадионида бўлиб ўтади. Эслатиб ўтамиз, Ерматовга қанотларда Абдуҳамидулло Расулов ва Баҳодир Кўчқоров ёрдам беришади. Гарчи Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Лондонга бора олмаган бўлса-да, лекин ўзбек ўғлони футбол баҳсларида иштирок этади. Лондон

**Раббонақул МУХТОРОВ**

***Кейинги йилларда Осиёда ҳам футбол жадаллик билан ривожланмоқда. Қитъамизнинг кўпгина мамлакатлари терма жамоаларининг ўйини шаклланишида ҳамда клублар учрашувлари савиясининг ошишида албатта мураббийларнинг хизматлари беқиёс.***

Спорт янгиликлари

## МУРАББИЙЛАР МАЛАКА ОШИРИШАДИ

Шуниси қувонарлики, миллионлар ўйини — футболни янада ривожлантириш мақсадида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан кейинги йилларда мураббийлар иштирокида тез-тез ўқув курслари ташкил этиляпти.

Куни кеча Тожикистон пойтахти — Душанбе шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан қитъамизнинг кўпгина давлатларидан ташриф буюрган мураббийлар иштирокида ўқув курси уюштирилди. Ушбу курсда таҳсил олаётган мураббийлар «В» лицензиясига эга бўлишади. Таъкидлаш жоизки, ушбу курсга ҳамюртимиз, Осиё футбол конфедерацияси йўриқчиси Рустам Акромов раҳбарлик қилмоқда. Эслатиб ўтамиз, ушбу лицензияга эга бўлган мураббий дунёнинг хоҳлаган клубида ёшларга футбол сирларини ўргатиш имкониятига эга бўлади.

Ўқув курси 8 августгача давом этади.

## РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

***Футбол бўйича 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилиши мўлжалланган Осиё чемпионатига саралаш турнирининг биринчи босқичида қайси терма жамоалар ўзаро куч синашиши маълум бўлди.***

Ўн олти ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатига саралаш турнирининг дастлабки босқичида 16 та терма жамоа тўрт гуруҳда ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боради.

Осиё чемпионатига саралаш турнирининг Марказий-Жанубий Осиё минтақасидан ўрин эгаллаган Ўзбекистон қизлар терма жамоаси ўз гуруҳида Эрон, Ҳиндистон, Шри-Ланка терма жамоалари билан куч синашади. Осиё чемпионатига саралаш турнири дастлабки босқич беллашувлари Шри-Ланка давлатида уюштирилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***«Мустаҳкам оила йили» муносабати билан шаҳримиз туманларида, маҳаллаларида турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Куни кеча Олмазор туманидаги «Истиқлол» стадионида ҳам «Отам, онам ва мен — спортчи оила» мусобақалари ўтказилди.***

Мусобақалар

## ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИ ОИЛА



— Туманимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила аъзоларининг жисмонан бақувват бўлишларига шарт-шароитлар яратиш, мустаҳкам иродали ва ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида бундай спорт мусобақаларини тез-тез ўтказиб турамиз, — дейди «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси туман таянч маскани директори Маъсуда Тошпўлатова. — Қолаверса, туманимизда аёллар ўртасида ҳам спорт мусобақаларини ташкиллаштириш яхши йўлга қўйилган. Бунинг исботи сифатида Турин Политехника университетида яқинда ўтказилган аёллар спорт фестивалида туманимиз қизларининг волейбол, стол тенниси, енгил атлетика каби мусобақаларда фахрли 1 ва 2-ўринларни қўлга киритганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, тиббиёт бирлашмаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан ўтказилган ушбу мусобақада «Янги Себзор», «Обод», «Чиғатой Оқтепа» ҳамда «Гуручариқ» маҳаллаларидан ташриф буюрган спортчи оилалар «Тўсиқдан ошиш» эстафетаси, «Ким чаққон ва мерган», «Моҳир ҳужумчи», «Арқон тортиш», шахмат, шашка бўйича ўзаро куч синашдилар. Ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган ушбу баҳслар натижасига кўра «Обод» маҳалласидан Давлатовлар оиласи 1-ўринни, «Чиғатой Оқтепа» маҳалласидан Ёқубовлар оиласи 2-ўринни, «Янги Себзор» маҳалласидан Расуловлар оиласи эса фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчи-ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Камола МАҲАМЕДОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Накдни кўйиб, насияга интилган иккисидан ҳам куруқ қолади.**

* * *

**Қандай савол берганига қараб ҳам кишининг ақлли ёки аҳмоқлигини билса бўлади.**

* * *

**Кўнгли қаттиқ киши ўзига етказилган арзимас озорни ҳеч қачон унутмайди.**

* * *

**Фаросатсиз учун бачканалиги фазилат.**

* * *

**Ҳамма ишни ҳам айтиш осон, қилиш қийин.**

* * *

**Феъл-атворинг ёш болага ўхшаб кетаверса, қариётганинг шу.**

* * *

**Инсон бошқалардан кўра ўзини-ўзи кўпроқ фош этади.**

* * *

**Одам боласи ўзини нимагадир мажбурлай, нимадандир чеклай билиши керак.**

* * *

**Шовқинга тоби йўқ кишилар асабий бўлишади.**

* * *

**Тўғри таёқ бўлиб яшаш азоб.**

* * *

**Агар тақдир хоҳласа, йўллар кесишаверади.**

* * *

**Яхшининг яхшилиги ўтганидан кейин билинади.**

* * *

**Иззатини билмаган зор бўлар.**

* * *

**Минг қаршилик қилма, бўладиган иш барибир бўлади.**

* * *

**Биз жиддий ишлардан кўра, турли эрмакларга кўп вақтимизни сарфлаймиз.**

* * *

**Бировнинг кўнгил китобини варақлаш ҳаммага ҳам насиб этмайди.**

* * *

**Болани уриш эмас, унга тушунтириш керак.**

* * *

**Тушкун одам нуқул ёмон хаёллар билан юради.**

* * *

**Уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди.**

* * *

**Ношукур ўзининг умрини ўзи қисқартиради.**

* * *

**Ўзингни мажбурламасанг, ҳеч нарсага эришмайсан.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?*
*Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?*
*Унда шошилиб таваккал қилманг.*
*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.
Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.
Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.
"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

*Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.*

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

Лицензия: RR-0001.

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейи умумий майдони 55,00 кв.м бўлган буфет ошхонасини ижарага бериш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Талабгорлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида мурожаат этишлари мумкин.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шифокор кўчаси, 3-уй.
*Тел: 214-53-93, 214-53-83.*

1-Тошкент педагогика коллежи таълим муассасаси ошхонасини ижарага беришга

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб икки ҳафта давомида қабул қилинади.
Телефонлар: 276-02-56, 276-89-29

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи енгил овқатланиш учун мўлжалланган ошхона ишини юритиш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.
Бизнинг манзилимиз: Шайхонтоҳур тумани, Белтепа кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 218-59-93, 218-72-03.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида 27 июль куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 31-33 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 741

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5102 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ